

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**530** Норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2011 йил  
14 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2299*

*(2011 йил 24 декабрдан кучга киради)*

Давлат реестридан чиқариладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжат бўйича 2011 йил 13 декабрдаги хулосага мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги 469-сонли «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларининг қонунийлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорларининг тўплами, 1997 й., 10-сон, 33-модда) ва 2000 йил 19 майдаги 197-сонли «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг меъёрий ҳужжатларини қабул қилиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорларининг тўплами, 2000 й., 5-сон, 26-модда) қарорларига асосан, шунингдек «Ўзбекнефтегаз» МХКнинг 2011 йил 7 декабрдаги 21/7-6518-сон хатини инобатга олган ҳолда **бююрман:**

1. Хусусийлаштирилган автомобиль ёнилғиси қўйиш шохобчаларининг эгаларига автомобиль ёнилғиси бозор фондининг бир қисмини сотиш тартиби (рўйхат рақами 436, 1998 йил 4 май) Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идоралари норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг давлат реестридан чиқарилсин ва бу ҳақда мазкур давлат реестрига тегишли ёзув киритилсин.

2. Идоравий меъёрий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқарилган-

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й.*

лигини ўн кун муддат ичида барча манфаатдор шахслар эътиборига етказилиши устидан назоратни таъминласин.

3. Қонун ҳужжатларини туркумлаш ва ҳуқуқий ахборот бошқармаси ушбу буйруқни «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да нашр этилишини таъминласин.

4. «Ўзбекнефтегаз» МХК ушбу ҳужжатни Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идоралари норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг давлат реестридан чиқарилганлигини ўн кун муддат ичида барча манфаатдор шахслар эътиборига етказиши лозимлиги маълумот учун қабул қилинсин.

5. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга қиради.

6. Мазкур буйруқнинг бажарилишини назорат қилиш Қонунчилик бош бошқармаси бошлиғи Н. Жўраев зиммасига юклансин.

**Вазир**

**Н. ЙЎЛДОШЕВ**

Тошкент ш.,  
2011 йил 14 декабрь,  
274-мх-сон